

# ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Тирик, мағур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!

— 2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-куватлаш йили —

Ассалому алайкум, азиз мушистарий!



Ватан ягонадир,  
Ватан биттадир

# ISTIQBOL YO'LI

Кўштепа туманинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 марта бошлаган

[www.istiqbolyuli.uz](http://www.istiqbolyuli.uz)

[istiqbol.43@mail.uz](mailto:istiqbol.43@mail.uz)

2024 йил 30 январ № 4 (8493)

## Муҳим аҳборотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижасага бериш тартибини такомиллаштириши бўйича юйимчча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.  
\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпининг тақлифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташриф дастурига мувофиқ Пекин шаҳрида олий дарајасадаги музокаралар ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар бўлиб ўтди.  
\*\*\*

Сенатнинг қирқ тўққизинчи ялти мајслисида маъқулланган “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуҗжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Маъжлисинг фаолиятини такомиллаштиришига қаратилган ўзгартириши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун шу мақсадга қаратилган. Қонун билан парламент палаталарининг фаолиятидаги параллелликни ва бир-бирини тақрорловчи ваколатлар аниқлаштирилмоқда. Сенат аъзолари жами 100 нафардан 65 нафарга қисқартирилмоқда. Бунда, ҳар бир маъмурий-худудий бирликдан 4 нафардан сенатор саиданиши, 9 нафари Президент томонидан тайинланиши белгиланмоқда.

Қонунчиллик палатаси Спикери ўринбосарлари сони 7 тадан 2 тага қисқартирилади. Бунда Спикернинг ўринбосарлари фракция аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда лавозимда бўлиши даврида сиёсий партиядаги аъзоликни тўхтатиб туриши белгиланмоқда.  
\*\*\*

Президент Шавкат Мирзиёев 30 январь куни Тошкент шаҳрида Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик маъсмуасида ўтган маросимда Олий Маъжлис палаталари, Президент Администрацияси ва хукумат вакиллари, илм-фан ва маданият намояндalarи, шаҳар жамоатчилари иштирок этди.

Биринчи Президентимизнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

УШБУ

(2)

\* Ижтимоий хизматлар  
самарадорлиги ўйлида  
\* Журналист X.Каримовага  
очиқ хат

СОНДА:

(3)

\* Кўнгилларга эзгулик  
бахши этиб...  
\* Мутахассис огоҳлантиради

(4)

\* Маънавият  
Хадислар  
\* Аҳли дониш дейдиларки...  
\* Китоб тақдимоти

## Янги Ўзбекистон — маърифатли жасамият



## ДАВРГА ЛЕШВОЗ ЧИҚМАГАН ЮТҚАЗАДИ

— Аҳборот технологиялари шиддат билан ривожланётган асрда яшайпмиз, — дейди 11-иҳтинослаштирилган мактаб информатика фани ўқитувчиси Исахўжа Кимсанов. — Бугун қишлоқ хўжалиги-ю, таълим, қурилиш, иқтисодиёт, бизнес, тиббиёт, кўйингки, барча соҳаларда, оддий турмуш тарзимизда ҳам рақамли телефон ва компютерга мурожаат қиласиз: бу — замон талаби! Технологиянинг “тили”ни билмаган одамнинг иши олдинга босмайди.

Соҳада узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатадиган, ўз касбининг чинакам устаси бўлган устоз ўқувчиларга фан сирларини пухта ўргатиш учун ўқитишнинг энг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда назарий билимларни амалий машғулотлар асосида олиб боради. Таълим муассасасида бунинг учун барча имкониятлар яратилган.

Суратда: Кимсанов ўқувчилари билан амалий машгулом пайтида. Баҳтиёржон РУЗИОХУНОВ.

## Мурожсаатга жавобан

## БОШҚАРУВГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ҳар биримиздан натижали ишлаши талаб қўймоқда

Президентимизнинг ўтган йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳам этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга кўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор мазкур тузилманинг жамиятимиздаги нуғузини янада оширишда мухим дастурламал бўлади.

Мана шу меъёрий хужжатлар асосида тўман ва шаҳарларда маҳаллаларни қўллаб-куватлаш кенгашлари, республикада маҳалла уюшмаси, жойларда уларнинг тузилмалари ташкил этилди. Очиқ айтишимиз керак, охиригина ийларда маҳалла тузилмаларининг турмушимиздаги ўрни сезиларли оширилди. Бугун улар ҳузурда шакллантирилган “еттилик”нинг вазифалари моҳиятн

жуда серқирра ва турмушишим дараҷасини ошириш, тараққиётда инсон омилини фаоллаштириш, муаммоларни ўз ўрнида ҳам этишда жуда салмокли.

Мен яқиндаги Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси таъсис конференциясида ўн нафар фарғоналик делегатлар қаторида иштирок этдим. Барча вилоятлардан келган делегатлар чиндан ҳам кеинги олти-етти йил ичida маҳаллалар фуқароларнинг чинакам ғамхўр институтига айланганини ётироф этдилар ва кейинги қарор ва фармонлар асосида тизим янада фаоллашишига ишонч билдирилар. Үюшма раислигига Қаҳрамон Қуронбек номзодини маъқулладик.

Конференцияда маҳалла институти фаолияти натижадорлигига эришишнинг барча ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилганлиги далиллаб берилди. Энди конунга кўра, маҳалла раислари сайлови аввалидик уч йилда эмас, беш йилда бўлиши, улар фаолияти рейтинг

асосида баҳоланиши, мажаллалар энди ўз бюджетига эга бўлиши, у “еттилик” мутасаддилигига тақсимланиши, хуллас, тизимнинг халқчилигини янада ошириш, бирор фуқаро ҳеч қачон ўз холига ташлаб қўйимаслигининг аниқ мезонлари белгилаб берилди.

Биз, конференция иштирокчиларининг маҳалла фаолларига иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маърифий жабхаларда, айниқса, иш ўринлари яратиш, болалар, ёшларни ватанпарварлар руҳида тарбиялаш, оиласларни мустаҳкамлаш, тўй ва бошқа маросимлардаги дабдабаларнинг олдини олиш, кўйингки, турмушимизнинг барча қирраларида фидойиликни оширишга қаратилган Мурожаатимиз, ўйлайманки, барча фаолларимизни янада натижали ишлашга даъват этади.

Рахматилло ОТАҚУЛОВ,  
“Шомирза” маҳалла фуқаролар  
йиғини раиси. Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмаси таъсис конференцияси иштирокчиси.

**Қарор ва ижро****ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ ЙЎЛИДА**

**Зуҳриддин Турдиев, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фаргона вилояти бошқармаси давлат мусассасаси раҳбарининг буйргуга асосан туман бўйими директори лавозимига тайинланди. 1989 йилда Кўштепеда туғилган Зуҳриддин, олий маълумоти иқтисодчи. Узоқ йиллар давомида солиқ тизимида инспектор ва масъул лавозимларда фаолият юритди. Мазкур вазифага келгунгача "Лангар" маҳалла фуқаролар ишғинида ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаган.**

Юртимизда охирги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимиш ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимизнинг ўтган йил ион ойида қабул қилган "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга кўйиш бўйича комплекс чора тадбирлар тўғрисида" ги фармони дастурламал бўлиб хизмат қилаётir.

Мамлакатимизда ижтимоий дастурларни молиялаштириш икки баробарга ошиб, кам таъминланган нафака олувчи оиласалар қамрови беш баробарга кўпайди ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар, уларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафака турлари жорий этилди.

Хабарингиз бор, ўтган йил давлатимиз қонунчилигига янгиланиш даври бўлди. Яъни янги таҳрирдаги Конституцияда "Ижтимоий давлат" тамоилларини инобатга олган ҳолда, меҳнатга лаёкатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан

эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида булиши белгиланган. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишга жойлашиши ва таълим олишига кўмаклашиши бўйича Конституциявий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш максадида мазкур йўналишда бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Президент хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиши тўғрисида" ги қарорига асосан, барча туман ва шаҳарларда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти йўлга кўйилди.

Туманимизнинг Чимкент қишлоғидаги аввалинг адлия идораси қайта таъмирланиб, замонавий жиҳозланган бинода ташкил этилган, айни пайтида 35 нафар, келажакда улар сафига 28 ходим қўшиладиган марказ хизматчилари энг аввало ҳар бир хонадон ҳолатини ўрганиб, уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаомоқдалар.

Кейинги босқичда эҳтиёжманд аҳоли билан, шу жумладан, кейс-менежмент усулини кўллаган ҳолда самарали иш ташкил қилиш, улардан ижтимоий



хизматлар ва ёрдам олиш бўйича буюртмалар қабул қилиш, заруратга қараб, буюртмаларни масъул ташкилот ва идораларга юбориш, оғир аҳволга тушшиб қолган ва шундай хавф юқори бўлган оиласаларни мунтазам равишида мониторинг қилиб бориш, улар учун ижтимоий хизмат ва ёрдамларни ташкил этиш чоралари кўриб борилади. Шу ўринда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар томонидан жами саккизта йўналишда, умумий 49 турдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилишини айтиб ўтиш жоизидир.

Юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатлар асосида ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида ташкил этиш мақсадида туман ва шаҳарларда ижтимоий ходимларниң ҳодимларниң асосий вазифалари этиб кейс очиш (қийин аҳволга тушшиб қолган оила ижтимоий аҳволи таҳлили юритиладиган ҳужжат), фуқароларнинг ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжини дастлабки баҳолаш, комплекс баҳолаш асосида ижтимоий хизматларнинг индивидуал дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, кейсни юритиши

ва заруратга кўра, мутахассисларни жалб қилиш белгиланган. Айни пайтда туманимизда ана шу жараёнлар давом этмоқда.

Қарорнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муҳтож қатламга ижтимоий ёрдам бериш соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фуқаролар, давлат идоралари ва жамоатчилик ходимлари, шунингдек, тадбиркорларни мукофотлаш учун "Ижтимоий ҳимоя фидойиси" кўкрак нишони таъсис этилиши белгиланган.

Умуман олганда, бугунги кунда юртимизда олиб борилётган изчил ислоҳотлар замонида инсонларни рози қилиш, ҳеч кимни ўз дарди билан ёлғиз қолдирмаслик—одамийликнинг энг олий мезонидир, деган эзгу форя асосида, жамиятда ижтимоий тенгликни таъминлаш мақсади ётади. Марказимизнинг ҳодимлари бу эзгу мақсад йўлида талабдагидек фаолият юритиши учун имкониятлар етарли, барчага хизматда муваффақиятлар ва фидойилик тилайман.

**Зуҳриддин ТУРДИЕВ**

**"Машаққат, ҳаловат ва адолатнинг аҳзоли нечук?" мақолосини ўқиб...**

# ЖУРНАЛИСТ Х. КАРИМОВАГА ОЧИК ХАТ

**Ассалому алайқум, Ҳадиҷаҳон опа! Мен газетангизнинг салқам эллик ўйллик ўқувчисиман, Сизни таниганимга ҳам шунча йил бўлибди.**

**Мактубимни одатдагидек саломатлигингишни сўраб ёзмоқчи эдим-у, соғлигингиш қай дараёжада бўлишидан катъий назар, туманимиз ривожи, аҳолига маърифат улашиш, муаммосини ҳал қилиш йўлида тиним билмай меҳнат қилганингизу ва қилаётганингизни ич-ичимдан ҳис этиб турибман. Сизни танибманки, шундайсиз: газета ҳаётингиз мазмунига, туманинг уриб турган юрагига айланган.**

Замон ўзгарди. Одамлар, тафakkur ўзгарди, қадриятлар улар кетидан чопди, лекин Сиз ўша-ўшасиз! Гарчанд ўзингиз ёзганингиздай "маоши оз" жабҳада юрсангиз ҳам, ҳамиша фаол жамоатчи сифатида эл-юртнинг жонкуяри бўлгансиз, бундан кейин ҳам шундайлигинизча қоласиз!. Деярли чорак аср туман аёлларига жамоатчилик асосида, таъмалариз етакчилик қилганингизни ҳам биламиз. Қолаверса, оиласаларни тарихи ҳам газетамиз тарихи билан чамбарчасдир. Худо раҳматига олган бўлсин, истеъодли журналист, тўғрисўз қаламкаш, сиёсатдон, ажойиб инсон Муталибжон aka Каримовнинг газета

учун, туманимиз учун чеккан захматини айтишга сўз ожиз. Аллоҳим, охиратда меҳнату мashaққатларининг ажру-савобини берсин!

"Машаққат, ҳаловат ва адолатнинг аҳволи нечук?" мақолосини ўқиб ўйга толдим... Дунёда интернет ҳар қанча юқори lab, техника ривожланасин, барibir газетадек инсон онгу шурига зийнат бера олмайди, назаримда. Ҳусусан нуроний газетамизнинг юқоридағидек юксак сифатларга эга бўлишида эса Сиздек жонқуярларнинг меҳри, файрати ва шиъюоти бекиёсдир.

Опа, ушбу газета билан бирга қанча-қанча авлод ўсади, илм олди,

истеъоди юзага чиқди. Газета ўз кучи ва қудрати илиа ўзок йиллар туманда маслаҳатчи, муаллим, тарбиячи, шифокор, ҳуқуқшунос, шажарачи ва бошқа талай қасб ва қадриятлар "вазифа"ларини ҳам бажариб келди. Кўпчилик буни билмагани ҳолда қанча одамларнинг муаммолари йиллар давомида ҳал бўлиб келган, жойлардаги муаммолар аризаларсиз ҳал қилинган, югар-югурсиз битган. Бу айтишгагина осон ҳақиқат.

Муддао шуки, газетамиз бундан бўён ҳам чоп этилиши шарт! Уни қадрлашимиз, сақлаб қолишимиз керак! Газета ушбу шиддатли замонда ўз нуғузини сақлаб қолади, ўтмиш ва келажак ўртасидаги восита, туманимиз ҳаётининг солномаси сифатида тарихда қолади.

Дунё таҳрибасига қаралса, кўплаб давлатларда газета ва журналларга эътибор бошқача. Ёшларга савол берисса, жавобни қаҷон ва қайси китоб, газета, журналдан ўқиганлигини бемалол айтади. Бизда эса савол берсанг интернетни титклиайди ёки интернетда ўқиганини айтади. Буни кўриб, дилинг хуфтон бўлади... Кўп давоми 3-бетда

**Муносабат**

**ТАРСАКИ**

**(Захар Прилепинга аталган оқ шеър)**

Итлар ҳурийверар,  
карвон бардавом,  
Замин айланмоқда  
ўз ўқида аста—  
Мехрибон Аллоҳим  
паноҳларида...

Аммо, шайтон талвасада,  
жинлар талвасада,  
тинчликин кўролмай,  
Ўзбекистон аталмиш  
тинч юртда,  
жаннатгоҳларда.

„Миш-миш“ билан туғилган  
урушқоҳ Захар  
Кўшиносини бомбалаган—  
кабир гуноҳ!  
Чаён нақши кир ёқасин  
маҳкам тутиб турибди  
Бевақт ҳалок бўлган  
минг-минглаб норасида  
Болалар, гўдаклар оҳи!

Захар—захар тилли илон,  
Қўлларинг қон, оғизларинг қон,  
Босқинда,  
талонда,  
ҳар ҳаром ишда...

Нега бурнинг тиқяпсан  
Ўзбекистонга?

Насронийни ўлдирдинг,  
тўймадинг,  
Исломийни ўлдирдинг,  
тўймадинг...

Наҳот, қонга тўймайсан,  
тўймадинг сира?!  
Энди ҳам тўярсан,  
Тўмарислар барҳаёт бизда!  
Чанқоғинг қонгайми  
қон тўла мешда?!

Замин айланажак,  
ҳаёт бардавом,  
Келажак кутмоқда  
заминдош, Сизни!

Фарғоний авлоди  
ўзбеклар,  
Эртаси умидбахш  
ўзбекистонлик!  
Ҳаммамиз бирга,  
ҳаммамиз бир тан,  
Ватан бир, миллат бир,  
иимонлар бутун.

Яратгани бот-бўстон,  
топғанлари тўй,  
Кекса-ёш бағри кенг,  
бир ёқа, бир енг.

Нияти эзгулик,  
тинчлик-тотувлик  
Инсонпарвар ҳалқмиз,  
ватанпарвар ҳалқ.

Мақсадлар аниқдир,  
фиқрлар тиниқ,  
Собитдир қадамлар,  
орзу, умидлар.

Озодлик қаддини ҳеч ким буқолмас!

Буюк Ўзбекистон, ўзбек деган  
ном

Келгуси авлодга муносиб  
мерос

Ва доим биз билан боболар  
руҳи,

Беҳбудий, Авлоний,  
Фитрат ва Ҷўлпон,  
Минглаб фидоийлар,  
минглаб жадидлар.

Шукронамиз бисёр  
ибодат учун,  
Ғамхўр Ватан учун,  
тинч осмон учун.

Меҳнатимиз фидо,  
жонимиз фидо  
Янги ҳаёт учун,  
янги Ўзбекистон учун!

Итлар ҳурийверар,  
КАРВОН бардавом....

**Тоҳиржон ЎРИНОВ,  
„Фунча“ адабий тўғараги  
раҳбари.**

**“Машаққат, ҳаловат ва адолатнинг ахволи нечук?” мақоласини ўқиб...**

# ЖУРНАЛИСТ Х. КАРИМОВАГА ОЧИК ХАТ

Давоми. Бошланиши 2-бетда.

давлатларда газета нархи сув текин, аммо уларнинг айримлари узоқ сакланмайди. Бизнинг газетада эса тарихий мақолалар, ҳикоялар, замонамиз ҳаҳрамонлари ҳақидаги битиклар мұхрланган. Бу нашрни бемалол ноёб архив хужжати сифатида сақлаш, фойдаланиш мүмкін ва шарт.

Яширишга не ҳожат, газетани яхши күрган, севган авлод қариятти... Ёшларни эса газета ё китоб ўқишига ўргатиш механизмимиз панд беряпти, чоғи. Илгари почтачи ҳар бир хонадонга бир даста газета ва журнال ташлаб кетарди. Ҳозир газета ташиган почтачини бирор танимайди, фақат нафақа пули олиб келувчи шахс сифатида билади. Буни маърифатсизлик деб сифатлаш керакмикин. Зоро, ўқимайдиган миллат таназзулга юз тутади!

Обунага келсак, бу албатта ихтиёрий жараён. Лекин тумандаги ҳар бир ташкилот раҳбари ўз ишини туман газетасини вараклаш билан бошлаши зарур, деб ҳисоблайман! Обуна яхши ташкил этилмадими, демак раҳбарнинг газетага бўлган муносабати ёмон, уни ўқишига гўёки вақти, аслида савияси етишмайди. Адабиётга, газетхонликка лаёқати ўйк!

Раҳбар тушунтириб айтса, жамоа тушунади. Айрим соҳаларга текширувчи келса тамсили гап-да, бир-икки миллион дарров топилади-ю! Нега энди туман газетаси обунаси учун мухбирлар қайфуриши керак? Ёш авлодни ҳақиқий имми, етук инсон қилиб тарбиялаш учун улар газета, адабий нашрлар ўқишилари зарур. Бир мақол бор: “Қалам билан ёзилгани болта билан чопиб бўлмас”. Китоб, газета-журнал ўқиийдиган одамлар, ёшлар билан гаплашинг-да, мазза қиласиз! Интернетдан бош кўттармайдиган ёшлар билан гаплашсангиз, ҳис-тўйғудан мосуво бир темиртанга ўхшайди...

Газетамизни бундан кейинги тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз керак ва бефарқ бўлмаймиз. Шу ўринда бир фикр айтаман: назаримда ижтимоий тармоқдаги газетамизнинг ўрни етарли эмас. Айрим газеталарнинг интернетдаги канал ва сайтлари бевосита тортишувлар ва изоҳ ёзиш учун мўлжалланган усуллар билан бойитилган. Туманимиз газетасининг ҳам тармоқда чиройли, оммабон сайти ва канали бўлиши ва бунда ҳар бир фуқаро ўз фикрини эмин-эркин баён қилиб, изоҳ қолдириш имконини бериш керак. Бу билан биз, имоним комилки, газетхонлар сонини оширишга эришамиз.

Хадича опа, Сизга куч-қувват, Аллоҳдан мадад тилайман. Газета байробини баланд кўттаринг, Сиз билан ҳамнафас ва ҳамфирлар кўп ва кўпаяди!

**Шуҳратжон ҚИРҒИЗОВ,  
муаллим, газетанинг 1976 йилдан бўён мухлиси.**

**Мутахассис огоҳлантиради**

Кутуриш—барча иссиққонли ҳайвонларда ва одамларда учрайдиган бедаво ўта ҳавфли юқумли касаллиkdir. Бу касаллик одамларга асосан қутурган итлар ва мушукларнинг тишлиши (тинаши) натижасида ҳайвонларнинг сўлайи орқали одамларга юқади. Касалликни қўзғатувчи вирус қутурган ҳайвонлар сўлагида бўлади. Республика менизда одам учун касалликнинг етакчи манбаи – итлар ҳисобланади. Охирги йилларда кутуриш касаллигига чалинган одамларнинг 95 фоизида итлар ва 5 фоизида эса бошқа ҳайвонлар касаллик манбаи бўлган. Бу ҳавфли дард ҳайвонлардан ҳайвонларга ва одамларга юқади ва аксинча у одамлардан одамга ва одамлардан ҳайвонларга юқмайди.

Кутурган итда касаллик аломатлари рўёғга чиқишидан 10 кун олдин, яъни касаллик яширин даврининг охирги 10 кунидаги ҳамда касаллик бошланганидан токи ўлгунга қадар юқумли ҳисобланади.

Бугунги кунгача кутуриш касаллигининг даволаш усуллари топилмаган. Хасталик жуда оғир кечиб, юз фоиз ўлим билан тугайди. Машхур

рус олими Данило Самойлович қўйидагича фикр билдирган: “Инсоният дунёга келибдики, қанчадан-қанча касалликларни бошидан кечирган ва кўрган, аммо қутуриш касаллигига мубтало бўлган бемор ахволини кўришдан ортиқ қўрқинчли ва даҳшатлироқ ҳолат бўлмаси керак”.

Тиб илмининг сultonи Ибн Сино ҳам ўзининг “Тиб қонунлари” асарида сувдан қўрқа бошлагач, бирорта ҳам беморни даволаш ўйли билан ўлимдан олиб қолиб бўлмаслигини таъкидлаган.

Бу касаллика бошқа юқумли касалликларда кузатилмайдиган сувдан, ҳаводан кўрқиши каби касаллик аломатлари кузатилади ва бемор жуда қийналиб вафот этади. Утмишда бу касалликка “сувдан кўрқиш”, яъни гидрофобия деб бежиз ном берилмаган. Ҳакиқатдан ҳам кутуриш билан ҳайвон касалланадими ёки одам касалланадими, якуни даҳшатли ўлим.

Шу боис ҳам биз касалликни даволашни эмас, балки унинг олдини олишни ўйлашибимиз керак. Кутуриш касаллигининг олдини олиш билан нафақат ветеринария ва

**Хоразм мақом ижроочилари—Фарғонада**  
Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, бетакрор бадиши услуби ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам бу санъат тури нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам ўз ўрнига эга. Унинг гултожи бўлган “Шашмақом” ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатда эътироф этилганлиги бежисиз эмас.

Мақом санъатининг кўп асрлик ижро ўйларини пухта ўзлаштириб, уларни янгича усувлар билан бойитиб, ёш авлодга ўргатиб келаётган ақа-ука Fa�уржон ва Fuломжон Эшчоновлар Фарғона шаҳридаги концерт саройида катта қонцерт дастурларини намойиш этишиди. Фарғона мақоми ўз мухлисига эга бўлса, Хоразм мақомининг ҳам ўз довруги бор. Инсоният тафаккурининг ёрқин маҳсул бўлган мақом доимо тингловчилар, мухлисларни ҳайратга солиб келган йирик мусиқий қомусдир. Миллий мақомларимизда халқимизнинг қадимий тарихи, маънавий дунёси, бадиий фалсафаси, руҳи музжассам. Ўзликни англаш, халқимиз, аввало, ёш авлодни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, эстетик дид ва тафаккурини шакллантириша мақом санъатининг роли беқиёс. Шу кунги ижролар давомида фарғоналиклар мақомининг айни ана шу ўзига хосликларидан баҳраманд бўлдилар.

## Қўнгилларга эзгулик баҳш этиб...

Мақом санъати ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Авлоддан авлодга ўтиб, “устоз-шогирд” анъанаси орқали мерос бўлиб келаётган бу санъат тури халқимиз учун катта аҳамият касб этади. Ундаги бой маъно барча замонларда эътироф этилган. Мақом — халқимиз вужудидан сизиб чиқкан оҳанг. Шу боис, у асрлар оша яшаб келмоқда. Биз учун бебаҳо бадиий қомус бўлган мақом санъати асрлар, неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дард-у армонларини, эзгу интилишларини юксак пардаларда ифода этиб келмоқда.

Мақом қалбларга сокинлик, ором, руҳигатга поклик, мўътадиллик бағишлади. Хоразмлик санъат вакиллари ижроларида янграган ўлмас асарлар шу кунги концерт дастурида қатнашган ҳамюртларимиз қалбига ҳам шундай туйғулар олиб кирди.

Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларни сафарбар этмоғимиз зарур. Президентимизнинг “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъатининг истиқболига кент йўл очиб берди.

Ушбу санъат ривожланишининг узоқ даврини босиб ўтган, кўплаб санъаткорлар, бастакорлар унинг тадрижий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган. Ҳазрат Алишер Навоий хаёт ташвишларидан толиқкан кезларида



даврининг машҳур ҳофизлари даврасига қўшилиб, улардан фазалларини кўшиққа солиб, ижро этиб беришларини сўрар, шу орқали ижодий фаолияти учун илҳом ва завқ топар эканлар. Ҳа, мақом ана шундай фотиҳу сultonлар, олим уламолар учун маънавий қувват, илҳом баҳш этиб, кишини комиллик сари етаклаган бир мўъжизадир.

Шу куни хоразмлик мақом усталари фарғоналикларга ҳам ана шу туйғуларни инъом этдилар. Миллий маънавият ва маърифат янгидан кўз очаётган бир даврда халқимизнинг умрбокий санъат тарихини кенг ёйиш, мусиқа меросимизни ўрганиш ва санъатсевар халқимизга етказиш муҳим ўрин тутади. Хоразмлик санъаткорларнинг Фарғонадаги “Мақом кечаси” ҳам одамларга эзгу туйғулар ва кўтаринки кайфият баҳш этди.

**Махмуджон АЛИШЕРОВ.**

## БЕДАВО ДАРД ЮҚМАСИН ДЕСАНГИЗ

тиббиёт соҳалари ходимлари, балки барчамиз, ҳар биримиз шуғулланишимиз керак ва шарт.

Кутуриш касаллигининг олдини олишда, ҳайвонларни, айниқса, итларни сақлаш қоидалига риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Афсус билан таъкидлаш жоизки, аксарият фуқароларимиз ит сақлаш қоидаларига риоя қилишмайди, итларни ўз вақтида ветеринария кўригидан ўтказиб, қутуриш касаллигига қарши эмлатишмайди.

Баъзи фуқаролар ўйларидаги или касалларни сақалларига ёки уни боқа олмаса, бирор кишини ит тишиласа, ушбу итларни кўчага хайдашади ёки яшаб турган жойидан узоқрок жойга итни адаштириб келади. Шундан кейин бу итлар қаровсиз, дайди итларга айланиб қолади.

Бу дайди итлар эса қутуриш касаллигининг асосий маънавий сифатида атрофдагиларга жуда катта ҳавф туғдидари.

Хозирги кунда, айниқса, қишлоқларда белгиси бор ва эгаси калта ипда итни сайд қилдириб юрган фуқарони кузатиш амри маҳол.

“Тишланиш”ларнинг 50 фоизидан ортиғи болаларга

ва ўсмирларга тўғри келади. Ота-оналар болаларни итлар билан, айниқса, кўчадаги дайди, қаровсиз итлар билан ўйнашларига, уларни уйга олиб келишларига зинҳор йўл кўймасликлари керак, зоро, эътиборсизлик ва лоқайдилк сўнгги пушаймонга айланади. Исломда ит боқишига учта сабаб туфайли руҳсат берилган: ов, экинзорларни, кўй ва бошқа ҳайвонларни қуриқлаш учун ит боқса бўлади. Бошқа мақсадларда ит ушлаб туриш шариятга хилоф саналади.

Чунки ит нажас нарса, у ялан, ҳидлаган нарсаларни ҳам нажасга айлантиради. Ит бор жойга фаришталар кирмайди, дейди уламоларимиз. Ит вақти-бемаҳал ҳуриб, кишиларни безовта қилади. Бўшалиб кетган итлар эса, кишиларни қолиб олиши, турли жароҳатларга, касалликларга ва ҳатто қутуриш касаллигига чалинишига сабаб бўлиши мумкин. Ит тишланишида одам нафақат жисмоний, маддий ва маънавий зарар кўради, балки энг ёмони, бу ҳолат ўлим билан тугайдиган қутуриш касаллигининг юқиш ҳавфини туғдидари.

Бу бедаво қутуриш ка-

саллигидан сақланиш учун нималар қилиш керак? Жавоб оддий, факат ҳар бир фуқаро қутуриш касаллигининг олдини олиш бўйича қўйидаги “олтин қоидалар”га амал қилса бас:

-ит сақлаш қоидалари-га пухта ва мунтазам амал қилиш;

-итларни худудий ветеринария бўйимларига ўз вақтида ҳисобга қўйиб, қутуришга қарши эмлатиш;

-эгасиз, дайди итлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

-имкони борича ит ва бошқа ҳайвонлар тишилашидан сақланиш;

-борди-ю бирор ҳайвон тишиласа, зудлик билан тиббий ёрдамга мурожаат этиш ва мутахассис врачнинг тавсиясига кўра, қутуриш касаллигига қарши эмлатиш.

Юқорида кўрсатилган тавсияларга амал қилинган тақдирдагина, биз даҳшатли, ўта ҳавфли юқумли ҳисобланган қутуриш касаллигидан ўзимизни ва ўзгаларни асрарн бўламиш.

**Жумабой МАҲМУТАЛИЕВ,  
фавқулодда вазиятлар туман бўлинмаси бошлиғи, майор.**

Расулуллоҳ  
(с.а.в.)  
ҳадисларидан



Агар иккى банда Аллоҳ  
йўлида яхши кўришса,  
бира машриқда, иккинчиси  
мағрибда бўлса, Аллоҳ қиё-  
мат куни уларнинг оралари-  
ни жамлаб: «Менинг йўлимда  
яхши кўрган кишинг мана шу  
эди», деб айтади.

Абу Хурайра (розияллоҳу  
анху)дан Байҳақий ривояти.  
\*\*\*

Одамлар устига шун-  
дай замон келадики, киши  
мол-дунёни қаердан топа-  
ётганига аҳамият бермай  
кўяди. У ҳалолми-ҳаромми  
фарқи бўлмай қолади.

Абу Хурайра (розияллоҳу  
анху)дан Бухорий ривояти.  
\*\*\*

Агар умматимга ма-  
шақат бўлмаганида, ҳар  
бир намоз олдидан мисвок  
тумтишига буюрар эдим.  
Бухорий ва Муслим ривояти.  
\*\*\*

Бирор кишини бошқа ки-  
шига сажда қилишга буюра-  
диган бўлсан, хотинларни  
эрларига сажда қилишга  
буюрар эдим. Чунки Аллоҳ эр-  
ракларни хотинлар устида  
ҳақларини кўп қилган.

Абу Довуд ривояти.

«2002 ҳадис»дан.  
(Ҳадиси шарифларда  
одоб-ахлоқ зикри).

## E'LON!

Marg'ilon shahar, Shodlik  
ко'ча, 2-уда joylashgan,  
Marg'ilon shahar davlat  
xizmatlari markazi tomonidan  
2021 yil 22 aprelda berilgan  
ro'yuxat raqami 981409  
ga asosan faoliyat olib  
borgan «GRAND CAREER  
VALLEY BIZNES» mas'uliyati  
cheklangan jamiyat Oltiariq  
tumanida joylashgan  
«Fayziyobod» mahalla fuqarolar  
yig'indida 2024 yil 31 yanvar  
kuni jamoatchilik eshitiruvini  
o'tkazadi.

### MCHJ ma'muriyati.

Marg'ilon shahar, Shodlik  
ко'ча, 35-уда joylashgan,  
Marg'ilon shahar davlat  
xizmatlari markazi tomonidan  
2021 yil 22 aprelda berilgan  
ro'yuxat raqami 981385  
ga asosan faoliyat olib  
borgan «Abdullo AZIZBEK  
ZIYO BARAKA» mas'uliyati  
cheklangan jamiyat Oltiariq  
tumanida joylashgan  
«Yangiariq» mahalla fuqarolar  
yig'indida 2024 yil 31 yanvar  
kuni jamoatchilik eshitiruvini  
o'tkazadi.

### MCHJ ma'muriyati.

# Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб  
доно бўлур,  
Қатра-қатра йигилиб  
дарё бўлур.  
Алишер НАВОЙИ.

Аҳли дониш дейдиларки...

## ҲУШЁР ВА ЗАКОВАТЛИ ОДАМ УЛДУРКИ...

Ҳар бир ишда ҳам ғофиллик  
қилма, ҳушёр бўл, ғофилларнинг  
ишлари ҳеч қачон кўнгилдагидек  
бўлмайди.

\*\*\*

Одамни ғафлат уйқусига ботирув-  
чи ғофилликдир, ғафлат уйқусига  
ғарқ бўлган одам жами ишларини  
ташлаб қўяди.

Юсуф Ҳос ҲОЖИБ

\*\*\*

Ҳушёр ва заковатли одам улдур-  
ки, унинг фикр доираси кенг, узоқ-  
ни яқиндеқ кўра оладиган, ғафлат  
уйқусидан йирок, балки ҳамиша  
фикру зикри билан уйғоқ, маҳфий  
ишоратдан ҳам ўзига ҳулоса чиқара  
ола биладиган, сўқир кўздан ҳам  
ёш оқиза оладиган бўлур.

Огоҳ кишини эҳтиёткорликнинг  
оқибати билан таништиргин. Ҳи-

доятга бошловчиларни эслатиш  
орқали уни мулоҳаза юритишга  
кўндириб, олижаноб ишларни қи-  
лишга чақир.

Махмуд ЗАМАХШАРИЙ

\*\*\*

Дўстлар фикридин ва душманлар  
мақридин бепарволиғ жоиз эрмас  
ва шу иш надоматдин ўзга натижга  
бермас.

\*\*\*

Ғафлат аро ҳуҳ кўрибон ҳуш дема,  
Вақиғ ўлиб, сўнгра пушаймон ема.

Алишер НАВОЙИ

\*\*\*

Инсон ибрат назари ила боқуб,  
дунё китобидан ўз қадр-хиссасини  
билиб олмаги лозимдур. Шунинг  
учун акл соҳиблари, фатонат эгалари  
ўзларига фойдаси бўлса-бўлма-  
са, синчиклаб қарафон нарсалари-

дан бир ҳисса олмай қўймаслар.  
\*\*\*

Маърифат соҳиби бўлмак учун  
аҳволи оламдан хабардор бўлмак  
керак.

Абдулла АВЛОНИЙ

\*\*\*

Фоғиллик давлатни қўлдан кетка-  
зар.

НИЗОМУЛМУЛК


\*\*\*

Ҳушёрликсиз бирор нафас ҳам  
олмаган,

Назари қадамидан ўзга ерда  
бўлмаган,

Абдухолиқ ФИЖДУВОНИЙ

“Инсоний фазилатлар ҳақида  
ҳикматлар”дан.  
“Янги аср авлоди”,  
Тошкент-2019 йил.



Китоб тақдимоти

## “КУСТО ОРОЛИДА 10 КУН”

Ўзбекистон Журналистлар ва Ёзувчи-  
лар уюшмаси аъзоси, таникли жур-  
налист, публицист, қатор саргузашт  
асарлар муаллифи Муҳаммаджон Оби-  
довнинг навбатдаги китоби тақдимоти  
Тошкентда, Ёзувчилар уюшмасида кенг  
китобхонларга тақдим этилганлиги  
ҳақида эшитгансиз, реал воқеиликлар-  
га асосланган асар ижобий маънода  
қизгин муҳокамаларга сабаб бўлганди.

Куни-кеча Марғилон шаҳридаги  
ракамли технологиялар марказида  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жур-  
налист Муҳаммаджон Обидовнинг  
мазкур китоби тақдимоти андижонлик  
ва намангандик ҳамкаслар, адабиёт-  
шунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар,  
журналистлар иштирокида бўлиб ўтди.  
Тақдимот чоғида кўп сонли китобхон-  
лар ҳам ҳозир бўлдилар.

Тақдимотда Фарғона давлат уни-  
верситети профессори Йўлдошхўжа  
Солижонов, Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси Фарғона, Намангандан Анди-  
жон вилоятлари бўлими раҳбарлари  
Дилшода Эргашева, Зиёвуддин Мансур,  
Хуршидабону Кўчкорова, Ўзбекистон  
Журналистлар уюшмаси Намангандан  
вилояти бўлими раиси Носиржон Дехко-  
нов, шоира Зуҳра Алиева ва бошқалар  
Муҳаммаджон Обидовнинг ўзбек жур-  
налистикаси, хусусан, тележурналисти-  
ка ва адабиётiga қўшаётган салмоқли  
ҳиссаси ҳақида эҳтирос ва фахр билан  
гапидилар.

Муаллифнинг Кусто ҳали кашф этиб  
улгурмаган оролчага етиб боришида-  
ги журъати, интилишлари, у ердаги  
ибтидойи одамларнинг турмуш тарзи,  
воқеиликларнинг ҳаётий ифодаси, ада-

биётга хос тўқима образи бошидан ке-  
чириганд ҳаяжонли, воқеа ва ҳодисалар,  
эзгулик, самимийлик, меҳр ва оқибатга  
йўғрилган ғоялари китобга барчада  
бидек қизиқиши уйғотди. Қисқаси,  
барчада янги бир йўналишда дунёга  
келган китобга қизиқиши ортди. Асарни  
ўқиган одам саргузашт ҳаҳрамони билан  
бира саёҳат қўлгандай бўлади.

Тақдимот якунидаги муаллиф Муҳам-  
маджон Обидов асарнинг ёзилиш  
тафсиллари ҳақида қизиқарли сўзлаб  
берди.

**Умидга ХУДОЙБЕРГАНОВА**  
газетамиzinнинг келгуси сон-  
ларидан бирида китобнинг  
мазмун-моҳияти ҳақида  
батафсил ёритилади



## САБЗИ

Билиб қўйган маъқум

“А” дармондориси етишма-  
ганида одам териси ҳаддан  
ортиқ куруқлашади, ҳар хил  
тошмалар тошиб, сочлар  
тўклиди. Тирноклар мурт-  
лашиб, синувчан бўлади.  
Кучли бош оғриғи, ишта-  
сизлик ҳам танада А дар-  
мондориси танқислигида  
кузатилади. Унинг етиш-  
маслиги бепуштликка ҳам  
сабаб бўлиши мумкин. Бу  
холатларнинг олдини олиш  
учун ҳар куни таркибида “А”  
дармондориси булган сабзи  
истемол қилиш керак.

Сабзи қабзиятда, баво-  
сил, кўз ва юрак-қон то-

мир хасталигида, айниқса,  
хафақонда фойдали. Сабзи  
шираси ёки сутда пиши-  
рилган йўтални босишида,  
товуш чиқмай қолганида,  
камқонлиқда, бўй ўсмасли-  
гига ёрдам беради. Терини  
яра босиши, куйишида ҳам  
сабзи шираси малҳам. Сар-  
тон касаллигини даволашда  
қадимдан сабзи қўлланил-  
ган.

Сабзи болаларнинг шамол-  
лаш, грипп ва бошқа юқумли  
касалликларга қарши кура-  
шиш қобилиятини оширади.  
Шу сабабли улар сувчечак,  
қизамиқ каби юқумли касалли-

ларга чалинганида сабзи  
ширасини кўп ичишлари  
лозим.

Сабзи қувватсиз болалар  
парваришида катта ёрдам  
беради. Шу боис ҳомиладор  
аёллар кунора бир пиёла  
сабзи шарбати ичиши ёки  
1-2 та сабзи ейши мақсадга  
мувоғик.

Эмизикли аёллар учун ҳам  
сабзи жуда фойдали. Сабзи  
она сутини кўпайтиради,  
сутни дармондориларга,  
темир ва калцийга тўйинти-  
ради.

Таркибида кўп йод борли-  
ги учун сабзи буқоқ касалли-



гига шифодир.  
Наҳорда ичилган сабзи  
шарбати гижжани туширади.

“Ҳидоят”  
журналидан.